

ПОРА ОЛИШ ВА БЕРИШДА ВОСИТАЧИЛИК ҚИЛИШ ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОЙ-ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Абдуллаев Баҳромжон Эркин ўғли
Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратура факультети тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.16935928>

Аннотация. Мақолада пора олиши ва бериши жараёнида воситачилик қилиши жиноятигининг жиноий-хуқуқий жиҳатлари назарий ва амалий нуқтаи назардан таҳдил қилинган. Англия ва Германия хуқуқ тизимлари мисолида воситачиликнинг хуқуқий талқини, корпоратив жавобгарлик масалалари ва иштирокчилик институтин очиб берилган. Хулоса сифатида, воситачилик пора беришининг алоҳида шакли эмас, балки уни амалга оширишининг канали сифатида баҳоланиши лозимлиги илмий асосланган.

Калим сўзлар: Пора бериши, воситачилик, Bribery Act 2010, StGB §§333–334, иштирокчилик, корпоратив жавобгарлик, SFO, прокуратура, коррупцияга қарши кураши.

УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ПОСРЕДНИЧЕСТВА ВО ВЗЯТОЧНИЧЕСТВЕ (ДАЧЕ И ПОЛУЧЕНИИ ВЗЯТКИ)

Аннотация. В статье рассматриваются уголовно-правовые аспекты посредничества во взяточничестве, как при даче, так и при получении взятки. На примере правовых систем Англии и Германии анализируется правовая природа посредничества, вопросы корпоративной ответственности и институт соучастия. В качестве вывода обосновывается тезис о том, что посредничество следует рассматривать не как самостоятельный состав преступления, а как канал реализации взяточничества.

Ключевые слова. Взяточничество, посредничество, Bribery Act 2010, §§333–334 StGB, соучастие, корпоративная ответственность, Serious Fraud Office, прокуратура, борьба с коррупцией.

CRIMINAL LAW ASPECTS OF MEDIATION IN BRIBERY (GIVING AND RECEIVING BRIBES)

Abstract. The article explores the criminal law aspects of mediation in bribery, both in giving and receiving bribes. Using the legal systems of England and Germany as case studies, it analyzes the legal interpretation of mediation, issues of corporate liability, and the doctrine of participation. The conclusion emphasizes that mediation should not be treated as an independent offense but rather as a channel through which bribery is carried out.

Keywords. Bribery, mediation, Bribery Act 2010, §§333–334 StGB, complicity, corporate liability, Serious Fraud Office, prosecution, anti-corruption.

“коррупцияни фақат кучли қонун эмас,
балки кучли терговчи ҳам енгади”

КИРИШ

Пора олиш-бериш жараёнида воситачилик қилиш мураккаб хуқуқий муаммолардан бири сифатида жиноий хуқуқ назариясида ва амалиётида алоҳида ўрин эгаллайди.

Бу жиноятнинг назарий асосларини таҳлил қилганда эътибор қаратиладиган асосий жиҳат – пора беришнинг икки ёқлама келишув хусусиятига эга эканлиги ва унга воситачи шахс қўшилганда исботлаш механизмлари янада қийинлашишидир. Британ ҳуқуқшуноси Andrew Ashworth таъкидлаганидек, пора бериш жараёнида воситачи иштирок этганда жиноятнинг махфийлик даражаси ортади ва давлат органлари учун далил йиғиш жараёни анча мураккаблашади¹. Шунинг учун воситачи орқали амалга оширилган пора бериш схемаларида терговчилар асосан молиявий ҳаракатлар, шартномалар ва ички ёзишмаларни таҳлил қилишга мажбур бўладилар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Англия ҳуқуқ тизимида бу масала **Bribery Act 2010**² орқали аниқ қонунлаштирилган. Қонуннинг 1-бўлимида фаол пора бериш таркиби таърифланганда, у “бевосита ёки учинчи шахс орқали” амалга оширилган бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Демак, воситачилик алоҳида жиноят сифатида эмас, балки асосий таркибни амалга оширишнинг усули сифатида талқин қилинади. Шу билан бирга, ушбу қонунда корпоратив жавобгарлик алоҳида назарда тутилган: 7 бўлимига кўра, агар компания ўз номидан ҳаракат қилувчи шахслар (агент, консультант ва х.к.) томонидан пора бериш ҳолатларини бартараф этиш бўйича адекват чораларни кўрмаса, у ҳолда компаниянинг ўзи ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин. Амалиётда буни **SFO v Rolls-Royce** ишида кўриш мумкин³. Суд хужжатларида кўрсатилишича, компания турли юрисдикцияларда агентлар орқали шартномаларни қўлга киритиш учун ноқонуний тўловлар амалга оширган, бу тўловларни яшириш учун эса консалтинг шартномалари ва сохта ҳисоб-фактуралардан фойдаланилган.

Суд ушбу ҳолатларни воситачилик орқали амалга оширилган пора бериш сифатида баҳолаган ва компанияни жавобгарликка тортган.

Германия ҳуқуқ тизимида эса воситачилик махсус модда сифатида эмас, балки пора бериш ва олиш билан боғлиқ умумий нормалар орқали қамраб олинади. Жиноят кодексининг 333–334 моддаларида⁴ давлат хизматчиларига пора бериш таркиби белгилаб қўйилган бўлиб, бу ерда пора “ўзи ёки учинчи шахс фойдаси учун” таклиф қилиниши мумкинлиги очик ифодаланган. Демак, воситачи орқали амалга оширилган пора бериш ҳолати ҳам ушбу моддалар доирасида тўлиқ қамраб олинади⁵. Шу билан бирга, воситачи шахснинг жиноий жавобгарлиги одатда иштирокчилик (Anstiftung ва Beihilfe – 26–27 StGB) асосида белгиланади. Немис ҳуқуқшунос олимлари, жумладан Thomas Fischer ва Roland Hefendehl таъкидлашича, воситачининг ҳаракатлари “ташкил этувчи ҳаракатлар” (Organisationshandlungen) ёки “осонлаштирувчи ҳаракатлар” (Erleichterung) сифатида баҳоланиши мумкин ва бу ҳолатда тўлов оқимлари, банк ҳаракатлари ва ёзишмалар орқали жиноят нияти исботланиши зарур.

¹ Ashworth, Andrew. *Principles of Criminal Law*. Oxford University Press, 2013.
<https://global.oup.com/academic/product/principles-of-criminal-law-9780199696796>

² Bribery Act 2010, Section 1, Section 7. UK Legislation. <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2010/23/contents>

³ <https://cms-lawnow.com/en/ealerts/2017/01/sfo-concludes-deferred-prosecution-agreement-with-rolls-royce/>

⁴ German Criminal Code (Strafgesetzbuch, StGB), §§ 333–334. <https://www.gesetze-im-internet.de/stgb/>

⁵ https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/englisch_stgb.html?

Немис амалиётида, айниқса, тижоратдаги пора бериш (299 StGB) билан боғлиқ ишлар доирасида воситачилик орқали амалга оширилган схемалар кўп учрайди. Бундай ҳолатларда прокуратура ва судлар воситачининг ҳаракатларини асосан иштирокчилик нормалари орқали баҳолашади, айrim ҳолларда эса ишончни суистеъмол қилиш (266 StGB) моддаси ҳам кўлланилади.

Назарий жиҳатдан, Англия ҳуқуқида воситачилик масаласи кўпроқ корпоратив комплаенс нуқтаи назаридан талқин қилинади. “Associated person” тушунчаси доирасида ҳар қандай агент ёки воситачи компания номидан ҳаракат қилувчи шахс сифатида баҳоланади⁶ ва агар компания улар устидан тегишли назорат ва due diligence амалга оширмаса, жавобгарлик юзага келади. Германия ҳуқуқида эса воситачилик асосан иштирокчилик ва “учинчи шахс манфаати” формуласи орқали қамраб олинади. Бунда эътибор кўпроқ шахсий ният ва ҳаракатнинг хизмат мажбуриятига зидлигига қаратилади.

Англияда коррупция ишларини асосан Serious Fraud Office (SFO)⁷ ва National Crime Agency (NCA) тергов қилади. Бу органлар кенг молиявий разведка имкониятларига эга бўлиб, банк транзакцияларини кузатиш, корпоратив ҳисботларни таҳлил қилиш ва халқаро ҳуқуқий ёрдам (Mutual Legal Assistance) орқали маълумот тўплашда самарали ишлайди. Амалда энг кўп қўлланиладиган усувлардан бири — молиявий оқимларни излаш ва воситачилар орқали амалга оширилган тўловларни фош қилишdir.

Германияда эса пора бериш ва воситачилик ишларини прокуратура (Staatsanwaltschaft) маҳсус бўлимлари олиб боради, зарурат туғилганда федерал полиция (Bundeskriminalamt — BKA⁸) ҳам иштирок этади. Бу давлатда Жиноят кодексининг §333–334 StGB нормалари пора бериш ва пора олиш учун аниқ ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади. Тергов жараёнида телефон ёзишмалари, молиявий транзакциялар ва айниқса воситачиларнинг кўрсатмалари муҳим далиллар қаторида баҳоланади. Германия амалиётида коррупция ҳолатлари кўпинча солик органлари текширувлари орқали фош этилади, чунки яширин тўловлар кўп ҳолларда ҳисоб-китоб хужжатларида акс этмайди ёки соликдан қочиш схемалари орқали амалга оширилади.

Икки давлат тажрибасини солиширганда қуйидаги хуносага келиш мумкин:

Англияда асосий эътибор молиявий таҳлил ва халқаро ҳамкорликка қаратилади, чунки компаниялар кўпинча офшор орқали пора беришади.

Германияда эса ҳуқуқий ва процессал жиҳатлар биринчи ўринда туради: прокуратура томонидан иш юритиш, далилларни баҳолаш ва судда мустаҳкам айлов куриш жараёни марказда.

ХУЛОСА

Ҳар икки тизимда ҳам терговчилардан нафақат қриминалистика соҳасида, балки молия, рақамли технологиялар ва халқаро ҳуқуқ соҳасида чуқур билим талаб қилинади.

Шу жиҳатдан, Англия ва Германия амалиёти Ўзбекистон каби ислоҳот олиб бораётган давлатлар учун ўrnak сифатида хизмат қилиши мумкин.

⁶ Fischer, Thomas. *Strafgesetzbuch und Nebengesetze*. C.H. Beck Verlag, 2020; Hefendehl, Roland. *Korruptionsstrafrecht in Deutschland*. Nomos Verlag, 2017.

⁷ Serious Fraud Office (SFO) <https://www.sfo.gov.uk/>

⁸ Bundeskriminalamt (BKA) https://www.bka.de/EN/Home/home_node.html

Чунки уларда коррупцияни очишда нафақат жазо чоралари, балки институционал тизимнинг ўзи ҳам самарали ишлайди: Англияда — мустақил тергов органлари ва очик жамоат назорати, Германияда эса прокуратуранинг қонуний устуворлиги ва далилларни баҳолашнинг қатъий қоидалари.

Шу жиҳатдан, хулоса қилиб айтиш мумкинки, воситачилик – алоҳида жиноят эмас, балки пора беришнинг амалга ошиш канали ҳисобланади. Англо-саксон тизимида бу канал корпоратив жавобгарлик ва комплаенс мажбуриятлари орқали ифода этилса, романо-герман тизимида эса иштирокчилик институти ва “учинчи шахс манфаати” формуласи орқали қамраб олинади.

Илмий нуқтаи назардан ҳам профессорлар Ashworth ва Hefendehl воситачилик пора бериш жараёнини масофалаштирумасдан, балки унинг маҳфийлигини кучайтиришини таъкидлайдилар. Шу боис, жиноятнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатларини талқин қилишда икки босқичли ёндашув мақсадга мувофиқ: аввал норматив матнга содиқ талқин (Bribery Act 2010, StGB §§ 333–334), сўнгра исботий-амалий талқин (тўлов занжири, агентлик шартномалари, банк ҳаракатлари ва комплаенс тизимининг камчиликлари).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bribery Act 2010 (UK), Department of Justice Guidance.
2. SFO v Rolls-Royce Deferred Prosecution Agreement (2017).
3. Fischer, T. *Strafgesetzbuch und Nebengesetze, Kommentar*. München, 2020.
4. Schönke/Schröder, *Strafgesetzbuch Kommentar*. München, 2019.
5. Hefendehl, R. *Korruptionsstrafrecht in Deutschland*. Berlin, 2018.
6. Ashworth, A. *Principles of Criminal Law*. Oxford, 2013.
7. Transparency International, *UK Anti-Bribery Laws Report* (2019).
8. OECD, *Anti-Corruption Report on Germany* (2020).
9. Rose-Ackerman, S. *Corruption and Government*. Cambridge, 2016.